

МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТНИ ЎҚИТИШДА
ЧЕТ ТИЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

Азимова Моҳигул Тоҷиддиновна

АДҶТИ, Немис тили назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчиси

Турсуналиева Шоҳсанам Каҳрамон кизи

АДҶТИ, РГФ факултети 2-курс талабаси

Сапарбаева Мадина

АДҶТИ, РГФ факултети 1-курс талабаси

Annotation

The article deals with the widely recognized international standards of the European Council “Teaching foreign language of common European competences: learning, teaching and evaluation of foreign language” to get CEFR competencies in the era of globalization.

Маданиятлараро мuloқot – турли маданият вакилларининг ижтимоий келиб чиқиши, менталитети, миллий характери, ҳаёт тарзи, урф-одатлари, қадриятлари системаси ва бошқалар тўғрисидаги мулокотидир. Мазкур жараёнда ўқувчи-талабаларни ўрганилаётган мамлакат маданиятига ҳурмат, сабр-тоқат қилиш ва ўзга маданиятни тўғри тушуниш руҳида тарбиялаб, ривожлантириб бориш лозим. Ҳар бир чет тил дарси маданият чорраҳаси, маданиятлараро мулокот амалиёти ҳисобланади. Чунки мазкур жараёндаги ҳар бир чет тилдаги сўз чет эл ҳаёти, менталитети ва маданиятини ўзида акс эттиради. Ўқитувчилар олдидағи вазифа ўқувчи ва талабаларнинг коммуникативлик, мулокотга кириша олиш қобилиятини ўстиришдан иборат. Бунинг учун кишиларни самарали мулокот қилишга ўргатувчи ўқув қўлланмалар ва чет тилдаги тўртала нутқ фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълимнинг янги методларини ўзлаштириш зарур.

Маданиятлараро мулокот формуласи сабрлилик, бағрикенглик ҳисобланади. Маданиятлараро мулокотда ижтимоий маданий хатоларга йўл қўймаслик талаб этилади. Масалан, немис тилида Tee oder Kaffee? Инглиз тилида „Tea or coffee?“ (“Чойми ёки кофеми?”), – деган саволга она тилида, – „Tea“ (“Чой”), – деб жавоб бера оламиз, лекин чет тилда нутқ этикетига бундай жавоб тўғри келмайди. Чет тилда Tee Bitte (немис тилида), „Tea, please“ (инглиз тилида) (“Марҳамат, чой”), – дейилади.

Ўзбекларда кўрган-кўришганда ҳол-аҳвол сўралади, чет элликларда фақат таниш бўлган кишидан ҳол-аҳвол сўрайдилар. Сўз, жумла ва матнни изчилилликда тузиш мулокот жараёнини самарали олиб боришга ёрдам беради. Сўз

кишиларни мuloқот орқали бир-бирига боғлайди. Тил системасини ўзаро боғлиқ тарзда узвийликда ўрганиш изчилликнинг таъминланишига имконият яратади ва бу орқали мuloқотга киришиш мумкин бўлади.

Ҳар қандай мuloқотнинг юзага келиши, коммуникацияга киришуви учун сабаб, асос бўлиши керак. Тил мuloқоти асосан нутқ фаолияти турлари – тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзувнинг аниқ ўзаро боғлиқлигисиз юзага чиқа олмайди. 70-йилларга қадар, яъни коммуникатив методнинг пайдо бўлишидан аввал тинглаб тушунишга эътибор кам эди. Мазкур методнинг вужудга келиши натижасида чет тилдаги нутқни идрок этиш, машқлар системасини ишлаб чиқиш орқали чет тил ўқитишининг тинглаб тушунишга муносабати ўзгарди. Секин-аста коммуникатив метод асосида ва чет тилдаги нутқни тинглаш ва тушуниш кўникмаларини шакллантириш бўйича системали ишлар тавсия этила бошланди.

Чет тил ўқитишининг янгиланиш босқичида коммуникатив-когнитив методика тинглаб тушуниш материали сифатида табиий нутқий вазиятдан фойдаланишни биринчи ўринга қўйди, яъни транспортдаги, вокзалдаги эълонлар, радио ва телевидениедаги рекламалар, телефондаги сухбатлар ва шу кабилар. Ахборотни тинглаб тушуниш, қабул қилиш бўйича қўйилган мақсадлар ўзгарди. Тингланганни ҳикоя қилиш ва назорат қилиш ҳам бошқача тус олди. Мазкур метод мақсаддан келиб чиқсан ҳолда тингловчига қўйиладиган тинглаб тушунишнинг қўйидаги турларини ажратади:

- кенг маънода матннинг баъзи бир томонларига аҳамият бермай, унинг асосий мазмунини тушуниш;
- аниқ информация мухим бўлганда, масалан, маълум бир жой учун обҳавонинг зарурлиги, поезднинг келиши-кетиши тўғрисидаги эълоннинг мазмунини тушуниш;
- ҳар бир сўз мухим бўлганда, масалан, пишириқнинг рецептини тушуниш.

Буларни немис тилида Globales Verstehen, selektiv Verstehen, detaillierte Verstehen дейилади.¹

Жумладан, ўқитувчи (талаба)нинг зарур ўқув материалини тўлиқ ўзлаштириши ва иқтидорини ривожлантиришга имконият яратиши лозим. Машғулотларда ўқитувчи талабанинг фикр-мuloҳазалари, ғоялари, фаразларига диққат-эътиборини қаратиши, айни пайтда, коммуникатив, маданиятлараро мuloқотга мойиллигини, лаёқати ҳамда маданиятини ривожлантириши ва кўникмаларни изчил шакллантириб бориши лозим. Ҳозирги кунда ҳорижий тиллар нафакат ёзиш, ўқиш, тинглаб тушуниш мақсадида балки оғзаки нутққа яъни гапиришга ўргатишга кўпроқ аҳамият бериilmокда, сабаби, тил

¹Gemeinsamer europäischer Referenzrahmen für Sprachen:lernen,lehren,beurteilen.Langenscheidt.KG.Berlin.2001

ўрганаётган ўқувчи ўзи ўрганаётган тил манбаларидан ўз соҳасига оид ахборотни ола билиши лозим ва шу билан бир қаторда ўз билим доирасини кенгайтириб бориши ҳамда ҳорижлик касбдоши билан мулоқот қила олиши лозим

Ҳозирда кенг қўлланилаётган «компетенция» ва «компетентивлик» тушунчалари аслида лотин тилидаги «competentia» сўзидан келиб чиқсан бўлиб, у шахснинг маълум соҳадаги билимдонлиги ва яхши хабардорлигини яъни шу соҳа бўйича унинг ваколат доирасини ифодалайди.² Демак, компетенцияга эга бўлишни шахснинг маълум соҳадаги билими, тажрибаси ва яхши хабардорлигидан келиб чикиб шу соҳа юзасидан масалалар хусусида ҳукм чиқариш хуқуки ва ваколатига эга бўлиш деб тушуниш мумкин.

Чет тил дарсларининг мақсадларининг янги шакли, прагматик лингвистика интеграциясидан турткни олди. Прагматик лингвистика тилни система сифатида эмас, балки рисолаларнинг бевосита жонли мулоқоти ёндашуви жиҳатдан ўрганади. Ҳорижий тилларни ўрганишни муносабатларни программалаштириш сифатида эмас, балки уни онгли ва ижодий равишда ўрганиш лозим.

Бугунги глобаллашув даври барча соҳалар қатори чет тилларни ҳам сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтаришни тақозо қиласар экан тилни ўқитишида ва ўрганишда Европа кенгашининг “Чет тилни эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиши ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрлари, яъни СЕФР бўйича компетенцияларига эга бўлиши талаб этилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Gemeinsamer europäischer Referenzrahmen für Sprachen:lernen,lehren, beurteilen. Niveau A1/A2/B1/B2/C1/C2. 2001 Langenscheidt KG,Berlin München
2. Menschen, Kurs- und Arbeitsbuch, Max Hueberverlag, Ismaning 2012
3. Optimal, Kurs- und Arbeitsbuch, Langenscheidet KG, Berlin München

² Breindel E.DaF goes Internet: Neue Entwicklung in Deutsch als Fremdsprache. Deutsche Sprache.2007,S.289-342